

## ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

*Маткаримов Икром Мухтарович, УрДПИ мустақил  
изланувчиси*

## SPIRITUAL-MORAL COMPETENCES OF CHAIRING THE CITIZENS' MEETING

*Matkarimov Ikrom Mukhtarovich, independent student of UrDPI*

## ДУХОВНО-НРАВСТВЕННЫЕ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕДСЕДАТЕЛЯ СХОДА ГРАЖДАН

*Маткаримов Икром Мухтарович, независимый  
исследователь УрДПИ*



<https://orcid.org/0009-0000-6158-3148>

*e-mail:*

[deputat\\_0303@mail.ru](mailto:deputat_0303@mail.ru)

**Аннотация:** Мазкур мақолада демократик бошқарув институти сифатида маҳалланинг тавсифи, маҳалла раисининг умумий ҳамда аҳоли маънавий–ахлоқий сифатларини оширишга доир вазифа ва ваколатлари таҳлили ёритилган.

**Калим сўзлар:** маҳалла, фуқаролар ўзини ўзи бошқариши, фуқаролар йиғини, шахс, таълим, тарбия, маънавият, ахлоқ, одоб, макон, замон ижтимоий, маданий, маърифий, ривожланиш, цивилизация.

**Abstract:** This article provides a description of the mahalla as an institution of democratic governance and an analysis of the tasks and powers of the mahalla chairman to improve the general and moral qualities of the population.

**Key words:** mahalla, citizens' self-government, citizens' assemblies, man, education, upbringing, spirituality, morality, customs, space, time, social, cultural, educational, development, civilization.

**Аннотация:** В данной статье дана характеристика махалли как института демократического управления, проведен анализ задач и полномочий председателя махалли по улучшению общих и моральных качеств населения.

**Ключевые слова:** Махалла, самоуправление граждан, сходы граждан, человек, образование, воспитание, духовность, нравственность, нравы, пространство, время, социальное, культурное, образовательное, развитие, цивилизация.

**КИРИШ.** Маҳалла тарихан миллий жамоат бошқаруви бўғини, кадриятлар ва анъаналар тарбияси макони, жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинидир. Ҳар бир ўзбекистон фарзанди муайян маҳаллада ўсади, камол топади. Маҳалланинг нафақат ҳуқуқий ваколат ва вазифалари, балки тарбия маскани ва кадриятлар бешиги сифатидаги роли ҳам жуда аҳамиятлидир. Ҳуқуқий жихатдан маҳалла – аҳоли турмуш тарзи, кадриятлар,

анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган, фуқароларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлайдиган фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирлиги сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-боб 127-моддасига кўра “Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва

овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни сайлайди<sup>1</sup>”.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.** Сўнги даврларда кўлга киритилган археологик маълумотларга кўра, мамлакат ҳудудида фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг илк белгилари бронза даврига бориб тақалади<sup>2</sup>. Бронза даврининг ёдгорлиги бўлган ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудидан топилган Сополлитепа манбаларининг гувоҳлик беришича, у ерда милoddан аввалги XVIII-XV асрларда саккиз оиланинг бир жойдаги манзилгоҳи қайд этилган. Демак кўринадики жамоа бўлиб яшашнинг ва турмуш муаммоларини биргаликда ҳал этишнинг дастлабки белгилари Ўзбекистон ҳудудида милoddан аввалги даврларга бориб тақалади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мустақиллик йилларида маҳалла аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини ҳаётга татбиқ этишда энг муҳим ташкилий-институционал бўғинга айланди”<sup>3</sup>. Маҳалланинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, вазифа ва ваколатлари глобаллашув жараёнларига мос такомиллаштирилмоқда.

**МУҲОКАМА.** Инсоният ривожланган бугунги ахборотлашган даврга келиб тушуниб етдики, бошқарувнинг энг самарали йўли сифатида фуқаролик жамияти инструментлари орқали ташкил этишдир. Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасида кўриш мумкинки, давлатлар йилдан йилга бошқарув ваколатларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига бериб келмоқда.

Жамият бошқарувининг элементлари фуқароларни ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини амалга оширишда намоён бўлади. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи** – бу муайян ҳудудда яшаётган, эҳтиёж ва мақсадлари муштарак бўлган шахсларнинг жамоавий хоҳиш иродасини давлат таъсирисиз амалга ошириш имкониятидир. Бунда давлат таъсири деганда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи амалга оширилиш жараёнида шахснинг фуқаро сифатидаги мажбуриятларидан ташқари унинг бошқалар билан биргаликдаги кундалик турмуш шароитига дахлдор маиший, жамоавий ва ҳоказо маҳаллий муаммолар ечимига қаратилган масалаларни қадриятлар ва анъаналар, тарихий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилиши тушунилади. Ўзбекистон миллий қонунчилигида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолият эканлиги белгиланган<sup>4</sup>.

**Фуқаролар йиғини** – шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда раисни сайлайдиган ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш ва ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидир. Фуқаролар йиғини муайян маҳаллада ташкил этилувчи вакиллик институти ҳисобланади.

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

<sup>2</sup>Раҳмонкулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). Дарслик. - Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. -Б. 65.


<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш - барқарор тараққиёт кафолатадир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар

ҳаракати - Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрдаги VIII съезидаги маърузаси.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 350-сон қонун, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон.

Амалдаги нормаларга асосан Ўзбекистондаги маҳалла фуқаролар йиғинининг тузилмасини куйидаги жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал<sup>1</sup>).

**«Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**Маҳалла еттилиги** маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги “кўприк” вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига, унинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишга, ҳудудни комплекс ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга кўмаклашиш мақсадида фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат таркибда ташкил этилган, коллегиял қарорлар қабул қиладиган,

жамоатчилик асосида фаолият юритадиган тузилмадир. Маҳалла еттилиги жамоатчилик асосида ташкил этилади ва унга фуқаролар йиғини раиси раҳбарлик қилади<sup>1</sup>.

Юқоридаги 1-жадвалдан билиш мумкинки, Ўзбекистондаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг намунавий тузилмасида вакиллар йиғилиши, фуқаролар йиғинининг кенгаши ҳамда “Маҳалла еттилиги” бу коллегиял органлардир, яъни уларда қарорлар жамоавий қабул қилинади. Фуқаролар йиғини раиси эса муайян шахс ва унинг ваколат ва вазифалари ана шу жамоавийликка асосланади.

1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 мартдаги 137-сон қарори 2-илоvasи. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.03.2024 й., 09/24/137/0220-сон.  
1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21.12.2023 йилдаги ПФ-209-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.12.2023 й., 06/23/209/0966-сон.

**НАТИЖАЛАР. Фуқаролар йиғини раиси** қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли ҳудуд аҳолиси томонидан сайланган, фуқаролар йиғини кенгаши ва “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этадиган, аҳолининг манфаатларини ифодалайдиган ҳамда ҳудудни комплекс ривожлантириш вазифаларининг амалга оширилишини ва фуқаролар муаммоларининг тизимли ҳал этилишини ташкил этадиган шахсдир. Маҳалла раисининг вазифа ваколатларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, унинг фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлашга ҳамда соҳани ривожлантириш учун таклифлар ишлаб чиқишга иккон беради. Бугунги янги Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар маҳалла раиси олдига бир қанча талабларни қўяди ва замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган маҳалла раиси ҳам давлат ва жамият ривожини учун аниқ, тизимли ишлар ташкил эта олиши зарур. Бу ишларни амалга оширишда албатта бошқа соҳалар қатори раиснинг маънавий-ахлоқий тарбияси, кадриятлар борасидаги билими жуда муҳимдир. Шахс маънавий камолотида унинг насли, оиласи, таълим ва меҳнат жамоасининг таъсири билан бирга у униб-ўсган ижтимоий муҳитнинг таркибий қисми, яъни маҳалланинг ўрнини ҳам алоҳида эътироф этиш керак. Маҳаллада эса ўзини ўзи бошқариш органига раҳбар сифатида маҳалла рисининг зиммасига бу борада бир қанча вазифалар юклайди. Маҳаллада раис томонидан амалга оширадиган ишларни шартли равишда гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Иқтисодий-ижтимоий;
2. Сиёсий-ҳуқуқий;
3. **Маънавий-ахлоқий.**

Бугунги кундаги маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти бўйича қабул қилган низомини кўрадиган бўлсак, фуқаролар йиғини раиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хусусан маънавий соҳага доир, асосан қуйидаги ваколатларни амалга ошириши белгиланган<sup>2</sup>:

-фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) — фуқаролар

йиғини раисининг жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи маслаҳатчиларини ва фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар жумладан “Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш” комиссияси аъзоларини, тафтиш комиссиясининг раиси ҳамда аъзоларини сайлаш учун номзодларни тақдим этади;

-тегишли ҳудудда маслаҳат марказлари ишини ташкил этади;

-спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқаронинг муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза беради;

-кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек, табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

-маҳаллий давлат ҳокимияти органларига янги қабристонларни барпо этиш ва мавжуд бўлганларини реконструкция қилиш ҳақида таклифлар киритади;

-вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади;

-кексаларнинг, айниқса, ёлғиз кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўради, уларга моддий кўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, методик ва амалий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади;

-тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади;

-рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни ташкил этади, виждон

<sup>2</sup>Хоразм вилояти Урганч тумани “Чакка кўли” маҳалла фуқаролар йиғини Низомини, 2024 йил 9 апрел, № 4-сон баён.

эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

-жисмоний ва юридик шахслар ва уларнинг вакилларини қабул қилади, муружаатларини кўриб чиқади;

-фуқаролар йиғини ходимларининг фаолиятига баҳо бериш ҳамда уларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий жазо қўллаш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига тақдимнома киритади;

-тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, моддий маданий мерос объектлари ҳақида маълумотлар сўрайди ва олади, уларни сақлаш юзасидан маҳалла аҳолиси орасида тушунтириш ишларини амалга оширади;

-фуқаролар йиғинига бириктирилган давлат идоралари вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботларини қабул қилади;

-кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи, фуқаролар йиғинининг оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси ҳамда “Кексалар маслаҳати” гуруҳининг фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

-давлат органлари ва бошқа ташкилотларга фуқаролар йиғини фаолиятига доир масалалар юзасидан таклифлар киритади ва уларнинг кўриб чиқилишида иштирок этади;

-жамият ва мамлакат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшган фаолларни “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонига тақдим этиш учун номзод этиб кўрсатиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритади;

-фуқаролар йиғини раиси фуқаролар билан муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этишга ва ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида ўзига маълум бўлган ахборотларнинг қатъий сир сақланишини таъминлашга мажбур.

Юқоридаги вазифаларни бажариш фуқаролар йиғини раиси зиммасига катта масъулият юклайди. Буларни амалга ошириш учун, аҳоли билан мулоқот давомида ундан юксак билим ва тажриба билан бирга намунали хулқ-атвор, маънавий фазилатлар бўлиши керак.

Раиснинг адолатли, шижоатли, маънан кучли, кадриятларга садоқатли бўлиши эл-юрт олдида унинг шаъни ва кадр-қимматини улуғловчи муҳим сифатлардандир.

**ХУЛОСА.** Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, бугунги глобаллашув даврида жамият бошқарувининг муҳим институти сифатида маҳалла ҳам давр талабларига мос равишда ўзгариши аҳамиятлидир. Одамлар, уларнинг эҳтиёжлари, турмуш тарзига ривожланган ахборот асри элементларининг таъсир этиши ўз-ўзидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан маҳалла фуқаролар йиғини раислари олдида ҳам муҳим ва мураккаб вазифаларни қўяди. Бу соҳани янада чуқурроқ таҳлил қилишни, таъсирчан ва самарали механизмларни жорий қилишни, асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 мартдаги 137-сон қарори 2-илоvasи. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16. 03. 2024 й., 09/24/137/0220-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 21.12.2023 йилдаги ПФ-209-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.12.2023 й., 06/23/209/0966-сон.
5. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш. халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор таракқиёт кафолатидир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрдаги VIII съездидаги маърузаси.
6. Хоразм вилояти Урганч тумани “Чакка кўли” маҳалла фуқаролар йиғини Низоми, 2024 йил 9 апрель, № 4-сон баённома.
7. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳукуки муаммолари (1-қисм). Дарслик. - Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. -Б. 65.